

## Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1013-ҳадис

1013/2190 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ رَخَّصَ فِي بَيْعِ الْعَرَايَا فِي خَمْسَةِ أَوْسُقٍ، أَوْ دُونَ خَمْسَةِ أَوْسُقٍ.

1013.2190. Бизга Абдуллоҳ ибн Абдулваҳҳоб бундай сўзлаб берди:

«Убайдуллоҳ ибн Рабиъ Моликдан: «Довуд Абу Суфёндан ривоят қилиб, Абу Хурайра розияллоҳу анҳунинг «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам беш васакда\* [ёки беш васакдан озда] арийларнинг савдосига рухсат берганлар», деганини сенга сўзлаб берганми?» деб сўраганида, унинг (Моликнинг) «Ҳа!» деганини эшитдим».

\* Васак – ўлчов бирлиги бўлиб, жумҳур уламнинг наздида ҳажмда 165 литр, оғирликда 130,560 кг га тенг. Бир васак деб туяга юклаш мумкин бўлган энг оғир юкнинг миқдорига айтилган. Бунда туяга бели қийшайиб қоладиган даражада кўп юк ортилмай, балки жониворга жабр бўлмайдиган даражада, унинг сафарда узок, давомли юришини эътиборга олган ҳолда юк юкланади. Ана шу юк бир васак дейилган. Фуқаҳолар бир васакнинг 60 соьга тенг эканига иттифоқ қилишган. Ҳанафий мазҳабига кўра, бир соь ҳажмда 3,330 литрга, оғирликда 3,250 килограммга тўғри келади. Жумҳур уламо наздида эса бир соь ҳажмда 2,750 литрга, оғирликда эса 2,040 килограммга тўғри келади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI

